



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "O'ZARXIV" AGENTLIGI
NAMANGAN VILOYAT ARXIV ISHI HUDUDIY BOSHQARMASINING
BUYRUG'I

**Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигининг 2021 йил учун
вилоят даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати
бўйича давлат назоратини ўтказиш Режасини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган "Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомига мувофиқ ҳамда "Ўзархив" агентлигининг 2021 йил 4 январдаги 1-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигининг 2020 йил учун республика даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш (ўтказиш) РЕЖАСИ **рахбарлик ва ижро** учун қабул қилинсин.

1. Наманган вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2021 йил учун вилоят ва туман даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш (ўтказиш) режа жадвали 1 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2021 йил учун вилоят ва туман даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш (ўтказиш) учун комиссия таркиби 2-илова мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бошқарма бош мутахасиси (К.Зокиров):

бир ҳафта муддатда тегишли ташкилотларга Давлат назорат режасини юборилишини;

давлат назорати ўтказилишидан ўн кун олдин ташкилотларни расмий хат орқали огоҳлантирилишини таъминласин.

4. Вилоят ва туман давлат архивлари директорлари бошқарманинг давлат назорати режасида белгиланган ташкилотларда назорат ишларини ўтказишда малакали ходимлар жалб этилишини таъминласинлар;

5. Ушбу буйруқ бажарилиши юзасидан умумий назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи:

Наманган шаҳри
2021 йил 5 январь
1-сон



Н.Ахмадалиев

Наманган вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2021 йил учун вилоят, даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш (ўтказиш)

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

т/р	Ташкилот номи	Давлат назоратини ўтказиш даври *	Маъсуллар
1	2	3	4
1.	Наманган вилоят қурилиш бошқармаси.	Февраль	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
2.	Наманган муҳандислик технология институти	Март	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
3.	Наманган муҳандислик қурилиш институти	Апрель	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
4.	Наманган вилоят Давлат Университети.	Май	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
5.	Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси.	Июнь	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
6.	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти Наманган вилояти филиали	Июль	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
7.	“Асака” акциядорлик тижорат банки Наманган вилоят филиали	Август	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
8.	Ўзбекистон миллий мерология институти давлат корхонаси	Сентябрь	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
9.	Уйчи туман шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архиви	Октябрь	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
10.	Уйчи туман давлат архиви	Ноябрь	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари
11.	Республика ихтисолаштирилган “Кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси.	Декабрь	К.Зокиров, Ишчи гуруҳ аъзолари

Изоҳ*: Давлат назоратини ўтказиш санаси Республикада эълон қилинган карантин чекловларига кўра ўзгартирилиши мумкин.

*Наманган вилоят архив иши
бошқармасининг 2021 йил
1 январдаги 1-сон бўйруғига
2-илова*

Наманган вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2021 йил учун вилоят, даражасидаги ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш (ўтказиш) бўйича ишчи гуруҳ

ТАРКИБИ

т/р	Исми фамилияси	Иш жойи, лавозими, ва комиссиядаги вазифаси
1.	К.Зокиров	Наманган вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бош мутахасиси, ишчи гуруҳ раҳбари.
2.	М.Тургунова	Наманган вилоят давлат архиви етакчи архивчиси ишчи гуруҳ котиби.
3.	Г.Исомеддинова	Мингбулоқ туман давлат архиви архивчи, ишчи гуруҳ аъзоси.
4.	Н.Жураева	Уйчи туман давлат архиви архивчиси, ишчи гуруҳ аъзоси.
5.	З.Махмудов	Наманган вилоят давлат архиви архивчиси, ишчи гуруҳ аъзоси.
6.	Б.Ахмадалиев	Тўрақўрғон туман давлат архиви архивчиси, ишчи гуруҳ аъзоси.
7.	С.Ходжаева	Тўрақўрғон туман давлат архиви архивчиси, ишчи гуруҳ аъзоси.